

Президентимизнинг «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиш қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан туманимизда қад ростлаган бинолар қишлоқларимизга кўр ва чирой бағишламоқда.

### Ховли тўйлари

Бугун «Бошқиршиқ», «Ширин-қўнғирот», «Халқобод» қишлоқлари қадам ранжиди қилсангиз, шинам намунали уй-жойларга дуч келасиз. Бу йил жамоамиз қурувчилари ана шундай уй-жойларнинг 10 тасини ўз эгаларига топширди. Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллик тўйи муносабати билан яна 10 та уйда қурилиш ва пардозлаш ишлари ниятисига етказилди.

Энг улғу, энг азиз байрам қишлоқлардаги ховли тўйларига улашиб кетди. Ушбу хайрли ишларда биз билан «Диёр қурилиш монтаж» МЧЖ, «Хива саёт қурилиш» ижтисолаштирилган қурилиш ташкилоти, «Тозабоб» ижтисолашган бино қурилиш» хусусий корхоналарининг қурувчилари ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Шомурот БОЛТАЕВ, «Янгибозор Бону газ монтаж» унитар корхонаси раҳбари

### АНДИЖОН

Андижон Давлат тиббиёт институтида «Қадр-қўлмамти, таълим ва ифтихоримсан, мустақил ўзбекистон!» шiori остида ўтказилган «Аёл — жамият кўзгуси» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциясида амалга оширилган хайрли ишларга эътибор қаратилди.

### Аёл — жамият кўзгуси

Конференцияда «Оммавий маданият — миллий маънавиятнинг қушандиси ва унинг олдини олиш йўллари», «Иёвқандлик профилакисада оиланинг роли», «Оилада толерантлик тарбияси», «Ёш авлоднинг тарбиялашда бегона гоғлар, зарарли оқимлар ва одам савдоси муаммоларидан асрашда хотин-қизлар қўмитасининг роли», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни» каби мавзуларда маърузалар тинланди. Олима ва педагог хотин-қизлар, фаоллар ўз иш тажрибаси, эришган ютуқлари ҳамда илмий изланишларининг натижалари хусусида фикр алмашдилар.

Ш.ДЕҲҚОНОВ, Андижон Давлат тиббиёт институти ходимлар касабаси уюшма қўмитаси раиси

### ҚАШҚАДАРЭ

Қарши шаҳрида «Келажак овози — 2013» Республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

### Ғолиблар сараланди

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган танловда архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлари ва техник ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат, бадий ижод ва публицистика йўналишлари бўйича 43 нафар иштирокчи ёшлар ғолиб бўлди. Танлов якунида ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

ЎЗА



Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

# Ishonch

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федератсиясининг нашри • 2013-йил 12-сентябр, payshanba № 112 (3305)

## Ташриф самарали бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 10 сентябр куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмон қадим шаҳарнинг тарихий обидалари билан танишувни Мирзо Улуғбек расадхонасидан бошлади. Мазкур расадхона аждодларимизнинг буюк зақоси, юртимиз илм-фанининг чуқур илдизлари ва тараққиётдан далолат беради. Си Цзиньпин Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий мероси билан таништирилди.

Икки давлат раҳбарлари Амир Темура мақбараси ва Регистон мажмуини бориб кўрдилар.

Хитой раҳбари Шарқ меъморчилигининг ноёб обидаларидан бўлган Регистон мажмуини катта қизиқиш билан томоша қилди. Бу ерда доимий фаолият юритувчи миллий хунармандлик буюмлари кўргазмасини кўздан кечирди. Самарқандда азалдан хунармандлик, савдо-сотик ривожланган. Қўли гул усталаримиз тайёрлаган маҳсулотлар Буюк ипак йўли орқали бутун дунёга, жумладан, Чин заминига ҳам етиб борган. Хитойнинг турли мамлакатлар билан савдо алоқаларини ривожлантириш ва маданиятини янада бойитишда Самарқанд муҳим рол ўйнаган.

Олий мартабали меҳмон қадим маданиятимиз ва миллий давлатчилигимиз тисмоли, меъморлик санъатининг юксак намунаси бўлган Самарқанд обидалари унутилмас таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади.

— Жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиш шарафига муюссар бўлганимдан хурсандман. Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш, қадимий осори-атиқаларни асраб-авайлаш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим, — деди Си Цзиньпин. — Қатъий ишонаманки, Ўзбекистон халқи Президент Ислам Каримов раҳнамолигида бундан кейин ҳам юксак ютуқ ва марраларга эришаверади.

Хитой Халқ Республикаси Раисининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди. Кўксарой қароргоҳида ўтган музокаралар якунида Ислам Каримов ва Си Цзиньпин Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, саноат, минерал ресурсларни ўзлаштириш, энергетика, транспорт ва юқори технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, гуманитар алоқаларни кенгайтириш бўйича ҳужжатларро, вазирлик ва идораларро ўзаро манфаатли кўплаб ҳужжатлар имзоланди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги стратегик ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Шу билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи якунига етди. Хитой раҳбари Ўзбекистонга ташрифи жуда самарали бўлганини таъкидлаб, самимий қабул учун Президент Ислам Каримовга чуқур миннатдорлик билдирди.

Анвар САМАДОВ, Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎЗА махсус мухбирлари

Тошкентда «БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш вазифаларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари томонидан БМТ агентликлари ҳамда Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

зи фаларини муваффақиятли ҳал этишнинг кафолати ҳисобланиши қайд этилди. Шу муносабат билан конференция қатнашчилари мустақиллик йилларида Ўзбекистонда барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувлиқни сақлаш ҳамда мустақамлаш мамлакатимизнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг саккиз Миллий ривожланиш мақсадлари сари дадил ҳаракат қилиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон МРМга эришиш бўйича глобал жараёнда фаол иштирок этаётгани, аҳоли турмуш даражасини ошириш борасидаги қатор кўрсаткичлар бўйича

## Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда ННТлар иштироки: Ўзбекистон тажрибаси

Конференцияда БМТД, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, ЮНФПА, ЮНЭЙДС, «БМТ-Хотин-қизлар» каби халқаро ташкилотлар вакиллари, Жанубий Корея, Италия, Греция, Латвия, АҚШ, Япониядан экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат, жамоат тузилмалари, хусусан, мамлакатимиз ҳудудларида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Истиклолнинг дастлабки кунларидан Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш мақсадида барқарор бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Мамлакатимизнинг ўз таллаган йўлида эришган муваффақиятлари Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бутун дунёда эътироф этилган ислохотларнинг «Ўзбек модели»ни ҳаётга татбиқ этиш самараларидандир. «Ислохот — ислохот учун эмас, аввалдан, инсон учун» деган муҳим тамойилга мувофиқ, давлат ва жамият бошқаруви тизимини демократлаштириш, хусусий мулк устуворлиги асосида иқтисодиётни модернизация

қилиш ва эркинлаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, жамиятни маънавий-маърифий янгилашга доир кенг қўламли туб ўзгаришлар рўйбга чиқарилди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ва Ўзбекистонда тараққий этгани янги босқичини бошлаб берган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалга оширилиши таллаган йўлимининг нечоғли изчиллигидан ёрқин далолат беради.

Экспертларнинг умумий фикрига кўра, Ўзбекистон Президентининг пухта ўйланган, мамлакат ва халқ келажаги йўлида амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсати 2000 йилда Мингйиллик саммитида эълон қилинган ҳамда жаҳон ҳамжамияти учун одамлар турмуш даражасини яхшилаш ва фаровонлигини ошириш борасидаги муҳим вазифалар белгиланган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига (МРМ) тўлиқ жавоб беради. Президентимиз Ислам Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 2000 йил 8 сентябрда ва 2010 йил 20 сентябрда ўтказилган ялпи мажлисларидаги нутқида глобал мақсадларга эришиш — Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг муҳим қисми эканини таъкидлаган эди. Конференцияда мамлакатимизда бу МРМ ва

(Давоми 4-саҳифада).

### Сарҳисоб

# Бахтиёр болалар мамлакат

Пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг III Республика форуми бўлиб ўтди.

Болалар — бизнинг келажакимиз. Ушбу ҳақиқатнинг ўзини ёш авлод таълим-тарбияси нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Ёш авлод камолоти йўлида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, яратиб берилаётган шарт-шароитлар ўз самарасини бераётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, болаларнинг ёз мавсумида мириқиб дам олишини мазмунли ташкил этиш борасидаги сайёҳ-ҳаракатлар йилдан-йилга такомиллашиб бораётгани эътиборга молик. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг III Республика форуми аjoyиб мавсум сарҳисоби сифатида иштирокчилар қалбида муҳралиб қолиши, шубҳасиз.

### Ташаббускорлик ва уюшқоқлик самараси

Форумда тегишли вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, 2013 йил ёзги соғломлаштириш мавсуми ташкилотчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

10:30. «Туркистон» санъат саройининг фойсидида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги оромгоҳлар фаолиятдан сўзловчи кўргазма намойиш этилди. Кўргазма билан танишар эканмиз, болалар томонидан яратилган буюмлар жажжи қалб ҳароратини улашгандек бўлади. Бунда

мавсум давомида оромгоҳларда фаолият юритадиган тўғарақларнинг хизмати катта, албатта. Истеъдодли ўғил-қизларнинг каштачилик, қандакорлик, ҳайкалтарошлиқ, зардўзлик, қўғирчоқ ясаш, тикувчилик, рассомчилик ва бошқа хунармандчилик соҳаларига оид ишлари беҳиштиёр ҳавасини келтиради. Тарихий ва замонавий биноларнинг макетлари, миллий қўғирчоқлар, инсон ва табиат манзаралари акс этган расмлар, гербарийлар, зардўзлик ва мунчоқлар билан безатилган буюмлар мавсум нафасини улашади.

11:00. Тантанали маросим бошланди. Номинциялар бўйича ғолибларни тақдирлаш ва санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар уйғунлиги йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди...

Таъкидлаш жоизки, Ватанимиз Мустақиллигининг илк кунлариданоқ ҳар томонлама етуқ баркамол авлоднинг тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилди. Истиклол йилларида ёш авлоднинг интеллектуал ривожланиши, маънавий ва жисмоний камолоти йўлида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу жараёнда болаларни ёзги соғломлаштириш ишлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жорий йилги болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми май ойининг сўнгидан то август ойининг охирига қадар уюшқоқлик билан ташкил этилганлиги билан ҳам аввалгиларидан фарқ қилади.

(Давоми 2-3-саҳифаларда).



Бўлиб ШАМСИДИНОВ (ЎЗА) олган сурат

Тадбир

Бугунги кунда касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бир қаторда, уларнинг касба бўлган иштиёқини ошириш, шунингдек, рағбатлантириб боришни ҳам ўз олдига мақсад қилган.


Эътибор рағбатга ундайди

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда бу каби жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди. Марказий кенгашнинг 2013 йил 10 июлдаги «Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма икки йиллик байрамига тайёргарлик қириш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги раёсат қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган Дастур ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган тадбирда бир гуруҳ фаоллар тақдирланди.

Хусусан, мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида ва Агросаноат тизимида ўз меҳнати билан бошқаларга ўрнак бўлаётган 36 нафар ходимга Марказий кенгашнинг Фахрий ёрлиғи ҳамда Низомга асосан 274 минг сўмдан моддий ёрдам берилди.

— Сидқидилдан меҳнат қилган одам унинг хузурини ҳам кўради, — дейди «Тошкент-Нон» нон ишлаб чиқарувчилик уюшмаси бош технологи Гулчехра Қосимова. — Уюшмамиз тасарруфида 46 та корхона мавжуд бўлиб, шахримиз аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўяялмиз. Ҳар бир корхонада бўлиб, ёш мутахассисларга вазифа тақозосига кўра ўз маслаҳатим ва кўмагимни бериб келмоқдаман. Шунингдек, Дилором Ақромова етакчилик қилаётган касаба уюшма кўмитаси тадбирларида фаол иштирок этишга ҳаракат қиламан. Касаба уюшмаларининг биз каби ишчиларга эътиборидан бошим кўкка етди. Бу каби чора-тадбирлар меҳнат кишини ўз касбига янада фидойилик ва масъулият билан ёндашишга ундайди.

Ўз муҳбиримиз



Энг намунали бошланғич ташкилот

Касаба уюшмалари ҳаракатини ташкилий жиҳатдан мустақамлаш, меҳнаткашлар ўртасида касаба уюшмалари мавқеини ошириш, моддий-техника базасини кучайтириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган эътибор ўз самарасини бераётди.

Фаолиятга янгича ёндашув

Жумладан, «Энг намунали бошланғич касаба уюшма ташкилоти» кўрик-танловини ташкил қилиш ва ўтказиш юзасидан Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталар, бошланғич ташкилотлар томонидан зарур ташкилий тадбирлар амалга оширилди. Натيجада, танловда 900 га яқин бошланғич ташкилотлар иштирок этди.

Танловнинг кўйи босқичи натижаларига кўра касаба уюшмаларининг тармоқлар бўйича 1-3 ўринга лойиқ деб топилган 15 та ташкилот вилоят босқичида қатнашди. Кўрик-танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбирга ғолиб ташкилотлар, касаба уюшма фаоллари тақлиф қилинди. Бошлан-

ғич ташкилотлар томонидан ташкил қилинган кўргазмалар фаолиятини янги тушунча ва ғоялар билан бойитди. Ҳар бир тармоқ бўйича биринчи, иккинчи, учинчи ўринни кўлга киритган бошланғич ташкилотлар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Урганчдаги «Бахмал» МЧЖ касаба уюшма ташкилоти «Энг чиройли кўргазма ташкил қилган бошланғич ташкилот», Богот тумани 7-умумтаълим мактаби касаба уюшма ташкилоти «Энг яхши тақдимот қилган бошланғич ташкилот» номинациялари бўйича ғолиб деб топилди.

**Озод ОТАЖОНОВ,** Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири

Бор бўл, оқибат!

— Жиззах туманидаги «Зиёкор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда иқтисоат қилувчи Турсунбой ҳожи Набиев касаба уюшма фаолларимиздан бири, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашнинг Жиззах вилоятидаги масъул ташкилотчиси Мамадали Қулбоев. — Хусусий тадбиркор, тажрибали савдо ходими сифатида хайрли ишга қўл урди.

Мурувватдан нурафшон диллар

Гап шундаки, кўпдан буюн қишлоқдошлари учун кўркам бир тўйхонага зарурат сезилиб турарди. Т.Набиев ўз сармоясига ҳамда банкдан олган кредити ҳисобидан қурилишни бошлаб юборди. Тез фурсатда қишлоқ жомолига ўзгача фойда бағишлаган «Бек» тўйхонаси қад ростлади.

Тўйхонанинг тантанали очилишида иштирок этган туман жамоатчилиги вакиллари, оқсоқоллар ва меҳмонлар яна бир мурувват ва саховатнинг гувоҳи бўлишди. Қишлоқдаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари, жами ўн уч нафар жажжи болаканининг суннат тўйи нишонланди. Ҳар бир болага банкда ҳисоб рақами очилиб, тадбиркор ҳисобидан эллик минг сўмдан маблағ қўйилди.

— Ўзлик афзаллигини асослаш билан сафимизни янада кенгайтиряймиз, — дейди Мамадали Қулбоев. — Жорий йилнинг ўтган даврида 14 та хусусий корхона, масъулият чекланган жамият каби нодавлат секторда бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилди. Ўзларимиз 207 нафарга қўлайди. Йилнинг биринчи чорагида иш бошлаган «Тоштепа текстил» МЧЖ, «Истеъмол товарлари» МЧЖ ҳамда «Сулаймон тех-сервис» хусусий фирмаси ходимларининг ҳозирда жамоа шартномалари орқали ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимояланмоқда. Янги ташкил этилган касаба уюшмалари етакчиларининг билим ва малакасини оширишга доимий эътибор қаратилган. С.Мўминов, М.Ҳайдарова, А.Садриддинов сингари бошланғич касаба уюшма ташкилоти раислари бугунги кунда фаолиятларини яхши йўлга қўйиб олишган. Келгусида яқка тадбиркорлар билан ҳам ҳамкорлигимизни кенгайтириб, аъзоликка жалб этиш борасида амалий ҳаракат олиб бораверамиз.

Абдунамол АЗИМОВ, «Ishonch» муҳбири



(Давоми. Бошланғич ташкилотчи).

Мамлакатимизда Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг ташкил этилиши ижтимоий шериклик асосида давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг мазкур йўналишдаги фаолияти уйғунлигини таъминлади. Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатларга хос бўлмаган тажрибаси, яъни болаларни сифатли дам олдириш ва соғломлаштиришни таъминлашга давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳам фаол жалб этиш амалиёти бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Мувофиқлаштирувчи гуруҳ таркибига тегишли вазирлик мутасаддиларидан ташкил этилган 5 та Ички гуруҳи ва Худудий мувофиқлаштирувчи гуруҳлар ҳар бир ҳудудда мавсумнинг намунали ва ушқоқлик билан ўтказилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида доимий ишловчи Штаб фаолияти мазкур йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш ва юзага келган масалаларни зудлик билан жойида ҳал этиш имконини берди.

Мавсумнинг Ҳуқуматимиз томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Концепцияси»га мувофиқ ташкил этилиши болаларни соғломлаштириш йўналишидаги ишларни янада такомиллаштириш билан бирга оромгоҳлар фаолияти сифати ва самарасини ошириди. Шунингдек, болаларни соғломлаштириш билан қамраб олиш кўлами кенгайди. Оромгоҳлар фақат жисмоний соғломлаштириш масканлари сифатида эмас, балки фарзандларимизнинг маънавиятини юксалтириш, интеллектуал салоҳиятини ошириш масканига айланди. Тегишли вазирликлар билан ишлаб чиқилган махсус дастурлар асосида оромгоҳларда тарбиявий йўналишлар ҳар ишлар ва тадбирлар мазмунини тўдан янгилашди, маънавий жиҳатдан бойитилди. Барча соғломлаштириш оромгоҳларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда «Мустақиллик менинг тақдиримда», «Касаба уюшмалари — болаларга», «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакатини» акциялари ўтказилди.

Оромгоҳларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ҳар бир йилга мўлжалланган Манзилли дастурларнинг тасдиқланиши болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техник негизини босқичма-босқич мустақамлаб бориш ва янги оромгоҳлар барпо этиш имконини бермоқда. Хусусан, 2012-2013 йилларга мўлжалланган Манзилли дастурларга мувофиқ 19 та оромгоҳ капитал таъмирланди, 13 та оромгоҳ реконструкция қилинди ва 4 та янги оромгоҳ барпо этилди. Масалан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан иккита янги оромгоҳ — Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида «Ниҳол», Хоразм вилоятида «Шодлик» оромгоҳлари, Ички ишлар вазирлиги томонидан Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида «Оқ тош» оромгоҳи, Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан Жиззах вилоятининг Зомин туманида «Истиклол» оромгоҳи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилда мамлакатимиз бўйича 1058 та оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилди. Уларда 293 минг 866 нафар

бола соғломлаштирилиб, бу кўрсаткич белгиланган режанинг 108,7 фоизини ташкил этди. Жами фаолият қўрсатган оромгоҳлардан 268 таси стационар турдаги, 790 таси кундузги оромгоҳлар бўлиб, болаларни соғломлаштириш учун 34,3 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Бахтиёр болалар



Оромгоҳлар фаолиятининг намунали ташкил этилишини таъминлашда турли соҳа вакиллари муносиб ҳисса қўшилди. Жумладан, 19 минг нафарга яқин малакали педагоглар, тўғарақ раҳбарлар, спорт йўриқчилари, 1 минг 135 нафар тиббиёт ходими, 1 минг 397 нафар ички ишлар ходими, 5 минг 48 нафар маҳалла посбони, 36 нафар чегара посбони, 2 минг 342 нафар бошқа жамоат тузилмалари етакчилари жалб этилди. Болаларни оромгоҳларга олиб бориш ва олиб келиш учун 1 минг 532 та автобус, 1 минг нафардан ортиқ ички ишлар ходимлари ва 446 та йўл патрул автомашиналари хизматидан фойдаланилди.

Тизимли янгича ёндашув самараси ўлароқ, янги йўналишлардаги оромгоҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Хусусан, «Интеллектуал ривожлантириш», «Ҳарбий-спорт» оромгоҳлари билан бир қаторда «Ижтимоий мослашув», «Экологик-биологик», «Улқашунослик», «Техник ижодкорлик» йўналишларида ҳамда ўсмир ёшдаги болалар учун «Меҳнат ва дам олдириш» оромгоҳлари ташкил этилди.

Республикамизнинг турли ҳудудларида бу йил учинчи маротаба фаолияти йўлга қўйилган «Меҳнат ва дам олдириш» оромгоҳларида касб-хунар коллежлари ўқувчилари бир пайтнинг ўзида ҳам хордиқ олдилар, ҳам ўзларини қизиқтирган касб ёки хунар бўйича илк кўникмаларга эга бўлдилар. Маҳаллий ҳокимликлар ва корхона, ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган 59 та мазкур йўналишдаги оромгоҳларда 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ижтимоий фойдали меҳнатга йўналтирилди.

Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг доимий навбатчилиги ташкил этилди.

...Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотларининг III Республика Форумини ўтказишдан кўзланган мақсад мамлакатимизда болаларни соғломлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар сифати ва самарадорлигини янада оширишдан иборат бўлиб, юқори савияда ташкил этилган мазкур тадбир айнан ушбу мақсад йўлидаги сай-ҳаракатнинг ёрқин намунасига айланди. Унда республика бўйича энг яхши деб топилган болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, уларда самарали меҳнат қилган ходимлар, оромгоҳлар фаолиятини намунали ташкил этишда катта ёрдам қўрсатган вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, ҳомий ташкилотлар ва ҳамкорлар Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи томонидан тақдирланди. Хусусан, улар «Энг яхши оромгоҳ бошлиғи», «Энг ғамхўр тарбиячи», «Энг яхши тиббиёт ходими», «Энг фаол етакчи», «Энг моҳир тўғарақ раҳбари», «Энг чакқон спорт мураббийи», «Энг яхши пазанд», «Энг фаол ички ишлар идоралари ходими», «Энг ғамхўр ҳомий», «Энг жонқуяр ҳоким», «Энг масъулиятли ташкилотчи», «Энг яхши ҳамкор», «Мавзунинг энг яхши ёритган жур-

географияси кенгайтирилди. Хусусан, ушбу ҳудуддан 4500 нафар ўғил-қиз Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги энг сўлим ва баҳаво оромгоҳларда дам олдирилди.

Барча оромгоҳларда ички ишлар, тиббиёт, коммунал-маиший соҳалар ходим-

налист» номинациялари бўйича рағбатлантирилди. «Энг намунали болалар оромгоҳи — 2013» номинацияси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият қўрсатган 16 та оромгоҳ тақдирланди.

Эътиборли томони, номинантлар «Энг намунали болалар оромгоҳи» кўрик-танлови Низоми ва энг яхши фаолият қўрсатган ходимларни аниқлаб берувчи Низом асосида сараланди.

Номинантларга Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи дипломи, «Бахтиёр болалар мамлакатини» статутаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Мукофотлар муборак!

«Энг масъулиятли ташкилотчи» номинацияси бўйича Тошкент вилояти Бўстонлик тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Тоир Тиллоев, Бухоро вилояти «Бухоропахтасаноат» худудий бирлашмаси раҳбари Азамат Султонов, Қашқадарё вилояти «Муборакнефтгаз» унитар шўба корхонаси раҳбари Шермат Шамсиев, Навоий кон-металлургия комбинати касаба уюшма кенгаши раиси Исроил Раҳматов ҳамда

Андижон вилояти «GM-Uzbekistan» ЁАЖ касаба уюшма кўмитаси раиси Мирфозил Олимов ғолиб деб топилди.

«Энг яхши оромгоҳ бошлиғи» номинациясида Қорақалпоғистон Республикаси «Еш авлод» оромгоҳи директори Асенбай Ереженов, Бухоро вилояти «Еш алоқачи» оромгоҳи директори Шамшод Саъдуллаев, Сурхондарё вилояти «Мироб» оромгоҳи директори Асадулло Лутфуллаев, Тошкент вилояти «Кимёгар» оромгоҳи раҳбари Ойниса Миралиева ҳамда Наманган вилояти «Тоғ шалоласи» оромгоҳи директори Мунира Абдуллаева совриндор бўлишди.

«Энг ғамхўр тарбиячи» номинациясида Нозима Қирғизбоева (Бухоро вилояти «Нефтич» оромгоҳи), Елена Пономарёва (Самарқанд вилояти «Алпомиш» оромгоҳи), Гулнора Аҳмедова (Тошкент вилояти «Цементчи» оромгоҳи), Шаҳодат Усмонова (Тошкент шаҳри «Сумча» оромгоҳи) ҳамда Муроджон Султонов (Фарғона вилояти «Роҳат» оромгоҳи) муносиб қўрилди.

«Энг моҳир тўғарақ раҳбари» номинацияси бўйича Азамат Туманов (Андижон вилояти «Энергетик» оромгоҳи), Мафтуна Мустафақулова (Жиззах вилояти «Ш.Рашидов» оромгоҳи) Дилобар Юлдашева (Наманган вилояти «Тоғ шалоласи» оромгоҳи), Тўлқин Улуғбердиев (Сурхондарё вилояти «Нефтичи»



оромгоҳи) ва Муқаддас Матякубова (Хоразм вилояти «Райҳон» оромгоҳи) тақдирланди.

«Энг фаол етакчи» номинациясида Дилафрўз Набиева (Самарқанд вилояти «Баҳора» оромгоҳи), Элёр Норпўлатов (Жиззах вилояти «Ш.Рашидов» оромгоҳи), Усмон Махмаржапов (Сурхондарё вилояти «Чашма-Тошпўлатбой» оромгоҳи) Гавҳар Гарипова (Фарғона вилояти «Сотволдиев» оромгоҳи) ҳамда Елена Абдурахманова (Навоий кон-металлургия комбинати «Олимпиец» оромгоҳи) етакчи бўлишди.

«Энг чакқон спорт мураббийи» номинацияси бўйича Илёс Чориев (Қашқадарё вилояти «Ниҳол» оромгоҳи), Ўсар Эшмуродов (Самарқанд вилояти «Ситора» оромгоҳи), Виктор Кан (Тошкент вилояти «Хумо» оромгоҳи), Умид Ибрагимов (Тошкент шаҳар «Автомобилчи» оромгоҳи) ва Фурқат Курбонов (Тошкент минтақавий темир йўл узели «Янги авлод» оромгоҳи) мукофотланди.

Қамолитдин Мамаханов (Андижон вилояти «Уч соҳил» оромгоҳи), Малика Тошева (Бухоро вилояти «Еш пахтакор» оромгоҳи), Майрам Раҳимова (Навоий вилояти «Камалак» оромгоҳи) Адолат Бекназарова (Самарқанд вилояти «А.Мўминов» оромгоҳи) ва Марҳамат Нурматова (Тошкент вилояти «Меҳр-

жон» оромгоҳи) «Энг яхши тиббиёт ходими» номинациясига лойиқ кўрилди.

**«Энг яхши пазанда»** номинацияси Жамилахон Қамчибекова (Андижон вилояти «Оқ-булок» оромгоҳи), Нарзулло Очилов (Қашқадарё вилояти «Зиё чашмалари» оромгоҳи), Одилхон Мирзаев (Наманган вилояти «Соҳил» оромгоҳи), Хусан Пулатов (Тошкент вилояти «Бойчечак» оромгоҳи) ҳамда Фотима Назаровага (Тошкент шаҳар «Согдиана-Сойлик» оромгоҳи) насиб этди.

**«Энг фаол ички ишлар идоралари ходими»** номинацияси бўйича, лейтенант Шарьяр Ибрагимов (Қорақалпоғистон Республикаси «Айдин йўл» оромгоҳида фаолият юритган), майор Илмира Палванова (Сурхондарё вилояти «Нефтчи» оромгоҳида фаолият юритган), лейтенант Абдувахоб Абдумажидов (Наманган вилояти «Соҳил» оромгоҳида фаолият юритган), капитан Азамат Эшмаматов (Навоий вилояти «Камалак» оромгоҳида фаолият юритган), капитан Намеддин Меликов (Самарқанд вилояти «Золотинка» оромгоҳида фаолият юритган) ғолиб бўлди.

**«Мавзунинг энг яхши ёритган журналист»** номинацияси билан «Халқ сўзи» газетаси мухбири Зокиржон Худойшукоров, «Народное слово» газетаси мухбири Фируза Кубарёва, «Ўзбекистон» те-

**«Энг намунали оромгоҳ — 2013»** номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Форумда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева иштирок этди ва йилгиланларни форум билан табриклади.

Тақдирлаш маросимида болалар ансамбллари ҳамда таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-кўшиқ ва рақслар иштирокчиларга янада кутаринки кайфият улашди. Энг муҳими, бу каби тадбирлар ёзги соғломлаштириш мавсуми давомида жонбозлик кўрсатган ташкилотчиларни тақдирлаш баробарида, улар фаоллигини янада ошириш ҳамда келгуси мавсумларнинг бундан мароқли ва мазмунли ўтишига замин яратди.

### Сўз — форум иштирокчиларига

**Асрор Жўраев, Яккабоғ тумани хокими:**

— Мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим-тарбия олиши, етук салоҳият эгаси бўлиб шаклланиши учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар муҳайё этилган. Бундай юксак эътиборга жавобан озлаб ёшларимиз санъат, спорт, турли фан йўналишларида жонини қўриб қўйган иқтидорларини намойён қилишмоқда. Биз,



«Оромгоҳ маликаси», «Ким эпчил», «Биз истеъдодларни излаймиз» каби билимдонлик беллашувлари барчага бирдек манзур бўлди. Бу тадбирлар орқали кўлаб иқтидор соҳиблари кашф этилди. Форумда «Энг ғамхўр тарбиячи» номинацияси бўйича тақдирландим. Бу мен учун жуда қувончли.

**Майрам РАХИМОВА, Навоий вилояти «Камалак» оромгоҳи:**

— Оромгоҳимиз «Навоий электромеханика» заводи тасарруфиди бўлиб, бу йил ҳар навбатда 300дан ортиқ болани дам олдириш ва соғломлаштиришга эришилди. Дам олувчилар учун масканда барча шароитлар яратилган. Жумладан, уларни тиббий куриқдан ўтказиш ва зарур ҳолатда биринчи тез тиббий ёрдам бериш учун мавсум бо-

қиламиз. Бундан ташқари, овқат тайёрлаш ва тарқатишда тозалikka, гигиена қоидаларига тўла амал қилинади. Кўп йиллардан бери оромгоҳда болажонлар учун мазаги таомлар тайёрлайман. Уларнинг пиширган овқатини иштаҳ билан тановул қилишини кўрганимда, чарчогим ёзилди.

«Энг яхши пазанда» номинацияси совриндори бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Кўрсатган эътиборлари учун барча ташкилотчиларга раҳмат. Ўғил-қизларимиз соғлом бўлиб вояга етиши учун биз, ошпазлар асло чарчамаймиз.

**Шухрат ТИЛОВОВ, Жиззах вилояти «Зангор олов» оромгоҳи:**

— Ҳар бир инсон дастлабки ҳаёт кўникмаларини боғча ва мактаб даврида ўзлаштирилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, уларнинг бундан аввал, айниқса, ёзги таътилни мазмунли ўтказиш ҳар томонлама зарур. Оромгоҳимизда уч навбатда 400 дан зиёд болани дам олдирилди.

Бугунги тадбирда айрилган илқ сўзлар ва эътироф масъулиятимизни янада оширди. Утган йили «Энг яхши оромгоҳ бошлиғи» номинацияси совриндори бўлгандим. Бу йил «Энг намунали болалар оромгоҳи — 2013» номинацияси бўйича тақдирландим. Бу каби эътирофлар зиммамизга янада катта масъулият юклайди.

**Ўсар ЭШМУРОДОВ, Самарқанд вилояти «Ситора» оромгоҳи:**

— Оромгоҳда болаларнинг вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида тоғ бағрига саёхатлар уюштирилди. Улар ўнлаб тўғарақларда қизиқиши бўйича шугулланиб, танлов ва мусобақаларда иқтидорларини намойиш қилишди. Жумладан, мавсумда спорт тадбирларига алоҳида эътибор қаратилиб, болажонларнинг чинқиши ва спортга қизиқишини кучайтиришга ҳаракат қилдик.

Уч йилдан буён мазкур Форумнинг ўтказилиши ва «Энг қаққон спорт мураббийи» номинацияси жорий қилиниши бизга бўлган юксак эътибордан далолат. Бу номинацияда ғолиб бўлганимдан хурсандман. Форум жуда эсда қоларли ташкил этилди.

**Исматилла Тўрақулов, Қашқадарё вилояти «Лочин» оромгоҳи:**

— Ёзги мавсумда болажонларимизни дам олдириш ва соғломлаштиришга ҳар йилгилан-да жиддий масъулият билан ёндашилди. Ўғил-қизларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказиш мақсадида оромгоҳимизда мавсум арафасида катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Масканимиз биносини тўлиқ таъмирлаш билан бирга, хоналарни махсус жиҳозлаш юмушлари бажарилди. Болаларнинг вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган турли маънавий-маърифий тадбирлар, бадий кечалар ташкил этилди. Мавсум давомида 4 минг нафар ўғил-қиз оромгоҳимизда дам олдирилди. Улар учун қулай шарт-шароит яратишга яқиндан қўмақ берган «Шўртангазим» мажмуаси раҳбариятидан миннатдоримиз.

Олиб бораётган сай-ҳаракатларимиз ҳар йили муносиб тақдирланмоқда. «Энг намунали болалар оромгоҳи — 2013» номинацияси совриндори бўлишимиз бизни янада шижоат билан ишлашга ундайди.

**Мухаббат Ўрмонбекова, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари. Акмал ТОШЕВ, Гўзал НОРЧАЕВА, «Ishonch» мухбирлари. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

# мамлакатини

лерадиканали «Тахлилнома» дастури мухбири Алишер Ҳошимов, «Правда Востока» газетаси мухбири Камила Чанишева ҳамда «Ishonch» газетаси мухбири Гўзал Норчаева тақдирланди.

Тошкент шаҳри «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси, Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси, Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, Тошкент шаҳри «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамда Навоий вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси «Энг яхши ҳамкор» дея эътироф этилди.

**«Энг ғамхўр ҳомий»** номинацияси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси «Qaniyelestirilen qurilis materiallar» масъулияти чекланган жамияти, Самарқанд вилояти «Самарқандтранс маркази», Фарғона вилояти «Кўкун ё-мой» ОАЖ, Тошкент шаҳри «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК ва Тошкент вилояти Фмаллиқ конметаллургия комбинати тақдирланди.

Фарғона вилояти, Андижон вилояти Шахрихон тумани, Жиззах вилояти Жиззах шаҳар, Навоий вилояти Томди тумани, Хоразм вилояти Хонқа тумани ҳамда Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани хокимликлари «Энг жонкуяр ҳоким» номинацияси совриндори бўлишди.

Шунингдек, «Орол болалари» (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли), «Бешарик» (Андижон вилояти Шахрихон тумани халқ



албатта, бундай ўғил-қизларимиз билан фахрланамиз.

Туманимиз Қашқадарё вилоятининг сўлим ва баҳола гўшаларидан биридир. Шу боис ҳудудда бир неча оромгоҳлар фаолият юритади. Жумладан, тумандаги «Шўртан қалдирғочи», «Ниҳол», «Улуғбек», «Соҳибқирон», «Бинокор», «Авто-

шидаёқ катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Оромгоҳда кечаю кундуз болажонлар саломатлигини назорат қилишга ҳаракат қилдик.

Ҳар бир ота-она фарзанди саломатлиги учун қайғуради. Шунинг билан ҳамда болаларнинг ота-онаси бағрига соғ-омон қайтишини таъминладик. «Энг яхши тиббиёт ходими» номинацияси бўйича тақдирланганлар сафида бўлиш кўнглимни беҳад юксалтирди. Ҳайратимга ғайрат қўшилди. Халқимиз саломатлиги йўлидаги фаолиятимдан мамнунман.

**Дилобар Йўлдошева, Наманган вилояти «Тоғ шалоласи» оромгоҳи:**

— Форумда «Энг моҳир тўғарак раҳбари» номинацияси бўйича мукофотланганимдан жуда хурсандман. Тўғриси, болалар билан ишлаш, уларга нимадир ўргатиш жону дилим. Ёзги мавсумда оромгоҳда «Кўл меҳнати» тўғарига раҳбарлик қилдим. Болажонлар кўл меҳнати билан ясаладиган буюмларни тавсияга кўра зийраклик билан ўзлаштириб олишди. Кейинчалик ҳам бундай вақтларида оромгоҳда ўрганган хунарларини давом эттиришга, эҳтимом, улар орасидан қўлигул хунармандлар етишиб чиқади, деган умиддаман. Форумдан катта таассуротлар билан қайтаман. Тадбир давомида сеvimли санъаткорлар ижросида баҳраманд бўлдик. Бу ҳаётимдаги энг унутилмас кунлардан бири бўлиб қолади.

**Жамилахон ҚАМЧИБЕКОВА, Андижон вилояти «Оқ-булок» оромгоҳи:**

— Оромгоҳимизда болажонларнинг дармондориларга бой овқатланишига алоҳида эътибор қаратилади. Белгиланган таомномани сархил озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитишга ҳаракат



таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфиди), «Мовий гулхан» (Бухоро вилояти «Нефтякўриштиш таъмир» оқиқ акциядорлик жамиятига қарашли), «Зангори олов» (Жиззах вилояти «Жиззахгазтаъминот» унитар корхонасига қарашли), «Лочин» (Қашқадарё вилояти «Шўртангазим» мажмуасига қарашли), «Шабода» (Навоий вилояти «Кизилқум-цемент» оқиқ акциядорлик жамиятига қарашли), «Соҳил» (Марказий банк Наманган вилояти бошқармасига қарашли), «Ситора» (Самарқанд вилояти Самарқанд тумани хокимлигига қарашли), «Сирдарё» (Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли), «Сурхон-Бешбулок-Шеробод» (Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли), «Металлург» (Тошкент вилояти «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» оқиқ акциядорлик жамиятига қарашли), «Сокол» (Тошкент шаҳри «Ўзавтосаноат» компаниясига қарашли), «Коиноп» (Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли), «Ал-Хоразмий» (Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфиди), «Олимпиец» (Навоий конметаллургия комбинатига қарашли) ҳамда «Кибрай» («Ўзбекистон темир йўллари» ДАКга қарашли) оромгоҳлари

мобилчи», «Охунбобоев», «Ёшлик» оромгоҳларида жорий йилги мавсумда 10512 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди. Мавсумни юқори савияда ўтказиш бўйича махсус комиссия тузилди, чора-тадбирлар белгилаб олинди. Унга кўра, оромгоҳга олиб борувчи йўллар таъмирланми, мазмунли дам олиш учун барча шарт-шароит яратилди. Дам олиш масканидида ҳар бир кун эсда қоларли ўтиши учун турли кўнгулоқлар тадбирлар ташкил этилди. Болажонларнинг сифатли озиқ-овқатлар билан таъминланиши натижасида уларнинг саломатлиги билан боғлиқ муаммолар юзга келмади.

**Ноziма ҚИРГИЗБЕКОВА, Бухоро вилояти «Нефтчи» оромгоҳи:**

— Уч беш йилдан буён мактабда бошлангич синф ўқувчиларига дарс бераман. Бола дунёқарашининг шаклланиши, ижтимоий ва руҳий маданиятининг ошиши, энг муҳими, шахс сифатида ўзлигини танишига қўмақлашиш биз педагоглар фаолиятининг асосини ташкил этади. Бу каби масъулиятли вазифани бажарётганимдан фахрланаман.

Ёзги таътилни оромгоҳда болажонлар билан бирга ўтказиб, мавсум қанчалар тез якунига етганини ҳам билмай қолдим. Оромгоҳда бош тарбиячи сифатида турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштиришга эътибор қаратдим.



## Касаба уюшмаси ҳимоя қилади

**Фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлараро судининг 2012 йил 27 декабрдаги топширигига асосан суднинг иш юритувида бўлган давровгар Когон тумани ҳокимлиги Ободонлаштириш бўлимига нисбатан буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги фуқаролик иши юзасидан мавжуд хужжатлар ўрганиб чиқилди.**

# Ишга тикланди

Насиба Ҳамдамова туман ҳокимлиги коммунал фойдаланиш бошқармасига 2007 йил 2 июл кунидан бошлаб кадрлар бўлими назоратчиси вазифасига ишга қабул қилинган. Когон тумани ҳокимлиги коммунал фойдаланиш бошқармаси туман ҳокимининг 2009 йил 24 мартдаги 286-сонли қарорига асосан Когон тумани ҳокимлиги Ободонлаштириш бўлимига айлантирилган. Н.Ҳамдамова 2010 йил 26 январдаги 9-сонли буйруққа асосан кадрлар бўлими назоратчиси вазифасига ўтказилган.

Н.Ҳамдамовага Ободонлаштириш бўлимининг 2012 йил 8 сентябрдаги 88-сонли буйруғи билан 5 сентябр куни ишга сабабсиз келмаганлиги учун «ҳайфсан» интизомий жазо чораси, 2012 йил 13 сентябрдаги 90-сонли буйруғи билан 13 сентябр куни ишга сабабсиз 1 соат кечикиб келганлиги боис «ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдориди жарима» интизомий жазоси қўлланилган. 2012 йил 4 октябрдаги 94-сонли буйруққа асосан 3 октябр куни соат 13-00 дан 17-00 гача иш жойида бўлмаганлиги сифатида далолатнома расмийлаштирилиб, унга асосан Меҳнат кодексининг «100-моддаси 3-қисми» назарда тутилган ҳолда ходимнинг ўз вазифаларини бузганлиги сабабли меҳнат шартномаси иш беворчининг ташаббуси билан бекор қилинган. Меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос сифатида техника хавфсизлиги мутахассиси Х.Холовнинг 3 октябрдаги билдиргани, бўлимининг 8 сентябр 13 сентябрдаги буйруқлари, ҳуқуқшунос Ш.Султоновнинг хулосаси олинган.

Юқоридаги буйруқлар ўрганилганда, Н.Ҳамдамовага нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилишдан олдин ундан тушунтириш хатлари олинмаган, аммо иш беворчи томонидан ходимнинг тушунтириш беришдан бош торганлиги сабабли далолатномалар расмийлаштирилган.

Биринчидан, иш беворчи ходимнинг айбли ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида уни камида уч кун олдин хабардор қилишга мажбур (МК 100-моддаси 2-қисмининг 3, 4-бандлари). Бунда МК 100-моддаси 2-қисмининг 3-бандлари бўйича бекор қилишда ходимни, албатта, ёзма шаклда хабардор қилиш кўзда тутилмайди. Шунга кўра, бундай асослар бўйича ходим билан меҳнат муносабатларини бекор қилишда ходим ёзма ёки оғзаки хабардор қилиниши мумкин.

МКнинг 101-моддасига кўра, келишув ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш беворчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Ободонлаштириш бўлимида амалда бўлган жамоа шартномасининг 4.2 бандида меҳнат шартномасини иш беворчининг ташаббуси билан бекор қилишда фақатгина ходимлар вакилининг розилигини олиш белгиланган. Иш беворчининг юқоридаги буйруғига асос сифатида ходимлар вакиллик органининг олдиндан розилиги олинган кўрсатилмаган.

Шунингдек, фуқаролик ишга иш беворчи томонидан тақдим этилган бўлим ходимлар вакилининг 2012 йил 4 октябрдаги меҳнат интизомий тўғрисидаги 1-сонли бандидан кўринишича, бўлимининг 2012 йил 4 октябрдаги 52-сонли хати муҳокама қилиниб, ходимларнинг вакиллик органи сифатида Н.Ҳамдамова билан тузилган меҳнат шартномасини МКнинг 100-моддаси 2-қисми 3-бандига асосан бекор қилишга розилик берилган. Аммо ушбу бандда овоз шакллари ва натижалари номаълум.

Ободонлаштириш бўлимида амал қилувчи Ички меҳнат тартиби қоидаларининг 3-бўлим 1-бандида ходимнинг ишга келмаслиги (прогул), ўз иш жойида иш кунини давомида узрсиз сабабларга кўра 3 соатдан ортиқ бўлмаслиги у билан меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши белгиланган. Аммо МКнинг 178-моддаси талабига асосан ички меҳнат тартиби қоидалари билан иш беворчи ходимни таништирилганлиги тўғрисида маълумот йўқ.

Меҳнат кодексининг 107-моддасига асосан иш беворчининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари ушбу Кодекснинг 87, 89, 97, 100, 105, 106-моддалари ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутувчи бошқа норматив хужжатлар таърифида тўла мувофиқ ҳолда ёзилиб, Кодекс ёхуд бошқа норматив хужжатларнинг тегишли моддаси (банди) далил қилиб кўрсатилади. Когон тумани ҳокимлиги Ободонлаштириш бўлимининг 2012 йилнинг 4 октябрдаги 94-сонли буйруғида МКнинг 100-моддаси 3-қисмига асосланган. Ваҳоланки, 100-моддада 3-қисм мавжуд эмас. Буйруқда ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузганлиги кўрсатилиб, мунтазам ёки бир марта кўпол равишда бузилганлиги аниқлаштирилмаган.

Юқоридагиларга асосан, Н.Ҳамдамова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги Когон тумани ҳокимлиги Ободонлаштириш бўлимининг 2012 йил 4 октябрдаги 94-сонли буйруғи меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларини бузган ҳолда амалга оширилган. Натижада Н.Ҳамдамованинг мурожаати қаноатлантирилиб, у қайта ишга тикланди.

**Икром ТОШОВ, Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири. Ҳамро ЧОРИЕВ, етакчи юристконсульт**

(Давоми. Бошланғич 1-санада).

Мамлакатимизда қарор топган ижтимоий шериклик асосланган мазкур ишларда фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам фаол иштироки таъминлашга муваффақиятли ва самарали ҳал этилмоқда. Ушбу ижобий жараён кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш, давлат бошқаруви органлари ваколатларини фуқаролик институтларига бошқича-бошқич ўтказиш доирасида изчиллик билан амалга оширилади. Ўзбекистонда «учинчи сектор»ни шакллантириш учун барча ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник шароит яратилган. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 23 июнда «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилингани бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси демократик кадрлар, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омили сифатида ННТларнинг ташкил топишига кўмаклашмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўйбга чиқариши, ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллигини ва ҳуқуқий маданиятини ошириши учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар тенглигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

«МРМга эришиш борасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётганимиздан фойдаланимиз», — деди БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Стефан Приснер. — Ўзбекистон, хусусан, таълим соҳасида эркаклар ва хотин-қизлар тенглигини, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, болалар ўлимини камайтириш ва оналар саломатлигини яхшилаш каби миллий мақсадларга эришиш борасидаги улкан утуқлари билан табрикланиш истар эдим. ОИВ/ОИТС, сил касаллигига қарши кураш, экологик барқарорлиқни таъминлашга доир ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Ривожланиш мақсадида глобал ҳамкорликка катта эътибор қаратилаётган ва мазкур конференция ҳам шундан далолатдир. Тараққиётнинг «Ўзбек модели» кенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга ННТлар иштирокини ҳам ўз ичига олган ва давлатингиз раҳбари томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилаётгани жуда муҳим. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари МРМга оид вазифаларни аниқ йўналтирилган тарзда ҳал этишда давлатнинг муҳим ҳамкори ҳисобланади ва ушбу жараённинг очик-шочкорлигини таъминлаш, унинг мониторингини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Мамлакатингиз МРМга оид вазифаларга эришишда бошқа давлатларга ибрат бўлмоқда. БМТ Ўзбекистонга бу борада кўмаклашишга ҳар доим тайёр.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний», «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Соғлом авлод учун», «Sen Yolg'iz Emassan» жамғармалари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, «Камолот» ёшлар ижтимоий

ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолияти аҳолининг турли қатламлари томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Конференция арасида тадбирнинг хорижий иштирокчилари ушбу ташкилотларнинг аксарияти, жумладан, Репродуктив саломатлик маркази, Она ва бола скрининг маркази, «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллари» уюшмаси фаолияти билан танишди.

Хорижий экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда ушбу секторни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг ноёб тизими яратилган. Олий Махлис ҳузуридagi Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-

хим ишларни бажараётганига амин бўлиш, — деди Техник ҳамкорлик ва ривожланиш агентлигининг минтақавий директори Паскаль Бернард (Франция). — Ана шундай самарали ишлар натижасида барқарор ривожланишга эришилмоқда. Ўзбекистонда ННТлар ўз ташаббусларини рўйбга чиқариш имкониятига эга, деярли барча жараёнларда, шу жумладан, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда фаол иштирок этмоқда.

«Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳамжиҳатлигида ҳаракат қилаётгани меннинг жуда ҳавасимни тортиди, — деди Хотин-қизларнинг «Марта» ахборот-ресурс маркази раҳбари Илута Лаце (Латвия). — Бу эса аҳолининг ва,

лаш, таълим ва аҳоли бандлиги соҳасини ўз ичига олган. Ўзбекистонда ННТлар Мингйиллик ривожланиш мақсадлари эътиборга олинган ҳолда ишлаб чиқилган қўллаб-қувватлаш дастурига киритилгани ҳам эътиборга лойиқдир. Бу эса мамлакатимизда ижтимоий шериклик мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Бунинг натижасида аҳолининг амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг очик-шочкорлигига ишончи тобора ортмоқда.

Чет эллик экспертлар Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш учун янги ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи, яъни ривожланган давлатларга нисбатан 3-4 баробар кўп йўналтирилаётганини юксак баҳолади. Улар мазмун-

бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида эътибор этилди. Буларнинг натижасида истиқлол йилларида оналар ўлими 3,2, болалар ўлими эса 3,4 баробар қисқарди. МРМнинг муҳим кўрсаткичларидан бири — ўртача умр кўриш давомийлиги мамлакатимизда 66 ёшдан 73,5 ёшга етди. Ушбу кўрсаткичлар мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ютуқларининг ёрқин ифодаларидандир.

«Ўзбекистон давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг, хусусан, жойларда МРМга эришиш борасидаги яқин ва самарали ҳамкорлиги юксак натижалар бермоқда, — деди «Save the children» халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги филиали директори Сон Жеонг Бае (Жа-

қизлардир. 2013 йилнинг олти ойида мамлакатимиз тижорат банклари хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 322,5 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратди.

Конференцияда экологик барқарорлиқни таъминлаш, сув ва энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш барқарор ривожланиш асосларидан экани таъкидланди. Шу муносабат билан Марказий Осиё минтақаси учун ушбу ўта муҳим масалаларни ҳал этишда Ўзбекистоннинг қатъий позицияси ва саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этиб ўтилди. Бу борада қатор давлат дастурлари ва миллий ҳаракат режалари амалга оширилади. Тегишли қонунийлик базаси шакллантирилиб, мамлакатимиз ушбу соҳада ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни бажармоқда. Бу ишларга Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Қонун баноан Экологик ҳаракатга Олий Махлис Қонунийлик палатасида 15 депутатлик ўрни берилган. Хорижий экспертларнинг фикрича, фуқаролик жамиятига экологик хавфсизлигини таъминлашда самарали иштирок этиш имконини берадиган механизм яратишда Ўзбекистон тажрибаси МРМга эришиш борасида энг истиқболли ва самарали йўл ҳисобланади.

«Фуқаролик жамияти институтлари шу жумладан, ННТлар ҳар бир фуқарога ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда иштирок этиш имконини берадиган давлат ва жамият ўртасидаги самарали алоқани йўлга қўйишда муҳим ўрни тутди, — деди ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Кристиа Пиккат. — Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари бу тарзда кенг қўллаб-қувватланаётгани ННТлар ҳаётга татбиқ этилган лойиҳалар самарадорлигини сезиларли даражада оширишга кўмаклашмоқда».

Амалий мулоқот руҳида ўтган конференциянинг хорижий иштирокчилари Марказий Осиё минтақасида етакчи давлат бўлган Ўзбекистоннинг миллий ва глобал вазифаларни муваффақиятли бажариш, бу жараёнга ННТларни фаол жалб қилиш бўйича бой тажрибага эга эканини таъкидлади ҳамда мазкур тажриба дунёнинг аксарият давлатлари учун намуна бўлиши мумкин, деган хулосага келди. Улар ушбу муҳим конференция ўз вақтида ўтказилганини, МРМга эришиш жараёнини жадаллаштириш бўйича глобал ҳаракат режасини амалга ошириш, ривожланиш мақсадида ҳамкорликни жаҳон миқёсида кенгайтириш, 2015 йилдан сўнг ривожланиш соҳасидаги глобал масалаларни шакллантиришда Ўзбекистон, хусусан, бу ердаги фуқаролик жамияти фаол иштирок этиш тарафдори эканини яна бир бор таъкидлади.

Анжуман аяқларини бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чикди.

Анна ИВАНОВА, УЗА мухбири

Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда ННТлар иштироки: Ўзбекистон тажрибаси

қувватлаш жамоат фонди орқали сўнгги беш йилда соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳит муҳофазаси, аҳоли бандлигини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш, баркамол авлодни тарбиялаш каби соҳаларда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун грантлар, субсидиялар ва ижтимоий буюртмалар шаклида 28 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Бундай қўллаб-қувватлаш натижасида Ўзбекистонда ННТлар кўпаймоқда ва уларнинг сони олти миңдан ошди. Сўнгги йилларда давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этаётган ННТлар сафи қарий икки баравар кенгайди. Бугун мамлакатимизда аксариятини Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси бирлаштирган ННТлар жамиятини ривожланган ва муштарак секторини ташкил қилади. Буни 2012 йили ўтган ННТлар миллий форуми ҳам тасдиқлайди. «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Жамоатчилик назорати тўғрисида», «Экологик назорат тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши давлат ҳамда жамиятни бошқаришда ННТларнинг ваколати ва имкониятларини янада кенгайтирди.

«Андижон ва Сурхондарё вилоятларидаги кишлоқ аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлаш ва ичимлик сувида фойдаланишни кенгайтиришга доир лойиҳаларда иштирок этиб, ННТлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг муайян вазифаларни ҳал этиш учун жамият саъй-ҳаракатларини сафарбар этишдек му-

умуман, ривожланиш бўйича муҳим эҳтиёжларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда қаноатлантиришга хизмат қилаётди. Бундай ижтимоий шериклик ва ахиллик халқингизга хос муҳим фазилатлардандир. Ўзбекистонда одамлар, Европадан фарқи ўлароқ, Узаро меҳроқибатли, иноқ ва тотув. Буни ноёб тузилма бўлган маҳалла мисолида ҳам яққол кўриш мумкин».

Конференцияда дунёнинг барча давлатларида ҳам МРМга оид мақсадларга эришиш Ўзбекистондаги каби миллий сиёсатнинг устувор йўналишига кўтарилишига қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январдаги қарорига биноан Ўзбекистонда 2015 йилгача МРМга эришишга доир қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Улар Мингйиллик декларациясида белгиланган барча саккиз мақсад бўйича 88 йўналишни ўз ичига олган. Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун ҳудудлар ва тармоқлар даражасида тегишли инфратузилмалар шакллантирилган, бу борадаги ислохотлар самаралари тизимли асосда мониторинг қилинмоқда, парламент ва жамоатчилик назорати амалга оширилмоқда, халқаро ҳамкорлик кенгайтирилмоқда.

«Маҳаллий ҳокимликлар кўмағида ННТлар ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг етти ҳудудда бир қанча дастурларни амалга оширишда иштирок этмоқдамиз, — деди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ижтимоий сиёсат бўлими раҳбари Линда Сатурно. — Улар МРМ билан боғлиқ қатор муҳим йўналишлар, шу жумладан, соғлиқни сақ-

моҳиятига кўра ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бераётган юксак самараларни алоҳида қайд этди. Мамлакатимизда саводхонлик даражаси қарий 99 фоизни ташкил этади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда мазкур соҳага оид ривожланиш мақсадларига эришилганидан далолат экани таъкидланди.

«Дунёда барча жаҳдаларда рўй бераётган улкан ўзгаришлар шиддатли технологик тараққиёт, аҳолининг кўпайиши ва меҳнат бозоридagi эҳтиёж ўзгариб бораётган XXI аср талабларига мувофиқ тарзда мослаштириш учун таълимга мутлақо янги ёндашувларни тақозо этмоқда, — деди япониялик таълим бўйича эксперт Ушио Мира. — Шу сабабли сифатли таълимдан баҳраманд бўлиш, бундай баҳрамандлик фақат мактаб ёки олий ўқув юрти доирасида қилинган бўлмасдан, бутун умр мобайнида давом этиши фойдалоқдир. Ўзбекистон буларнинг барчасига эришаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ННТлар ҳам фаол иштирок этиб, аҳолининг турли тоифалари учун курслар, тренинг ва семинарлар ташкил этмоқда. Бу эса мазкур соҳадаги давлат сиёсатини ҳаётга самарали татбиқ этишга хизмат қилмоқда».

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди. Бепул шифолиқ тиббий ёрдам кўрсатиш тизими, кўп тармоқли кишлоқ врачлик пунктлари, перинатал ва скрининг марказлари ташкил этилди. Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган миллий модель жаҳон ҳамжамияти томонидан

нубий Корея). — Мамлакатингиз ННТлари билан биргаликда мазкур вазифаларга тўлиқ мос «Обод турмуш йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишда иштирок этиш имкониятига эга бўлганимиздан мамнунмиз. Хусусан, Тошкент вилоятидаги қатор туманлар кишлоқ врачлик пунктларини жиҳозлашга, уларда меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларини ўқитиш ва аҳоли тиббий маданиятини оширишга кўмаклашмоқдамиз. Тиббий хизматлар, жумладан, аёллар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатининг яхшиланиши мамлакатингизда амалга оширилаётган ислохотларнинг юксак самараларидандир».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўйича миллий механизм яратилган. Ўзбекистон Президентининг 1995 йил 2 март кун қабул қилинган фармони мувофиқ, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ҳудудий хотин-қизлар қўмиталарининг раислари эса жойлардаги ҳокимларнинг ўринбосарлари этиб тайинланиши белгиланган. Сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Қонунийлик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота ажратилиши натижасида бугун улар Қонунийлик палатаси депутатлари умумий сонининг 22 фоизини ва Сенат аъзоларининг 15 фоизини ташкил қилади. Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг яримдан кўпи хотин-

Матбуот анжумани

Таълим тараққиёти

Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан «Таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан тизимли равишда таъминлаш масалалари, дарс жараёнига ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш борасида белгиланган устувор йўналишлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазири Улугбек Иноятов тизимда амалга оширилаётган ислохотлар, янги ўқув йилида ўқувчиларни ўқув қўлланмалар билан таъминлаш каби масалаларга атрафлича тўхталиб ўтди.

Халқ таълими тизимида Республика бўйича жами 15730 та таълим муассасалари, жумладан, 9765 та мактаб, 4962 та мактабгача таълим муассасалари, 211 та «Баркамол авлод» болалар марказлари, 299 та муסיқа ва санъат мактаблари, 445 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 27 та Меҳрибонлик уйлари, 16 та педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари, 5 та педагогика ин-

ститутлари фаолият кўрсатмоқда.

Халқ таълими тизимида ҳозирги кунда 410 654 нафар ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Ўқувчилар сони 4 468 101 нафарни ташкил этади. Таълим 7 та тилда: ўзбек, рус, қорақалпоқ, қozoқ, тожик, қирғиз, туркман тилларида олиб борилади.

Янги ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 1-, 4-, 6-, 7-синф ўқувчилари учун жами 392 номда 22 533 772 нусхада дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилиши режалаштирилган бўлиб, мазкур дарсликлар тўла чоп этилди ва жойларга етказилди. Барча дарсликларнинг электрон шакли Халқ

таълими вазирлигининг www.uzedu.uz сайтига жойлаштирилди.

Шунингдек, умумтаълим мактабларининг 1-синфлари учун яратилиб, «Kids English» инглиз тили дарслик мажмуасига қўшимча равишда ўқитувчилар ва ота-оналар учун ўзбек тилида 446 084 нусха ҳамда рус тилида 59 974 нусха қўлланма чоп этилди.

Анжуманда умумтаълим мактаблари замонавий ўқув компьютер синфлари билан таъминлангани, умумтаълим мактабларида давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ, юқори самарали мультимедиа воситалари йўлга қўйилганлиги ва ҳозирда вазирлик тизими учун жами 300 тадан ортиқ электрон ахборот-таълим ресурслари яратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «Ishonch» мухбири

Спорт — саломатлик гарови



Гап ёшда эмас

Тошкент ахборот технологиялари университетининг спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси тизимига кирувчи компания, жамият, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда катта ёшдаги ходимлардан тузилган жамоалар ўртасида минн футбол бўйича республика мусобақалари бўлиб ўтди.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишланган беллашувларда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 16 та гуруҳга бўлинган ҳолда куч синашди.

— Бу йилги мусобақада 180 нафарга яқин раҳбар ходимлар кўтаринки кайфиятда тўп суришди, — дейди Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси бўйича республика бирлашган қасаба уюшма қўмитаси раиси Телман Ирнazarов. — Соҳа ходимлари ўртасида ташкил этилаётган бу каби мусобақалар уларнинг меҳнат самарадорли-

гига ижобий таъсир этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Дарвоқе, ҳар икки йилда бир мартаба ўтказиладиган мусобақани бундан буюн ҳар йили ташкил этишни режалаштиряпмиз.

— Қизгин ва муросасиз кечган ушбу баҳсларда мағлуб жамоа бўлмади. Аксинча, барчада кўтаринки кайфият сезилиб турди, — дейди мусобақа ҳақами, «Энг яхши ҳақам» номинацияси совриндори Олег Дочев. — Айрим ўйинларда қучларнинг тенг келиши сабабли, голибни пеналтилар сериясида аниқлашга тўғри келди.



— Яқунда шохсупанинг биринчи поғонаси насиб этди. Лекин бу осон бўлгани йўқ, Анча тер тўкишга тўғри келди, — дейди Наманган жамоаси вакили, Наманган телеком филиали таксафон ва провайдерларга хизмат кўрсатиш бошлиғи Равшан Дадахонов.

Шохсупанинг иккинчи поғонасига Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси жамоаси кўтарилди. Фахрли учинчи ўрин Бухоро вилояти жамоасига насиб этди. Шунингдек, турли номинициялар бўйича голиблар аниқланди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совгалари билан тақдирланди.

Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири

Publication information including contact details for O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi, address, phone numbers, and subscription rates.